Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 22 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 90 (6986)

**Da'vat**

**Физикада оқибат сабабга тенг. Ахлоқда ҳам шундай.**

**Асқад МУХТОР.**

**Ibrat**

Чироқчи тумани Чиял ширкат жамоа хўжалигининг Уймовут қишлоғида яповчи тадбиркор Жўра Янгибоев қишлоқдаги 159-таянч мактаб жамоасига мактабни таъмирлаш, ўқув жиҳозларини сотиб олиш ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида ўз шахсий жамғармасидан беш минг сўм пул ажратди.

O'zbekiston — Turkiya

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 17—19 ноябрь кунлари Туркияга қилган расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Айтиш жоизки, ташриф чоғида асосий эътибор сиёсий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни бундан ҳам юқори босқичга кўтариш, ўзаро ҳурмат ва ишонч, тенг ҳуқуқликка асосланган алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Расмий ташрифнинг биринчи куни Туркия Республикаси Президенти қароргоҳида Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл ўртасида қизғин ва самимий суҳбат бўлиб ўтди. Унда икки давлат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси яратилгани, имзоланган қатор ҳужжатлар ўзбек ва турк халқлари орасидаги тарихий, сиёсий, миллий ва маънавий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб қолажаги алоҳида қайд этилди.

Президентимиз ташриф давомида Туркиянинг дунёга танилишига беқиёс ҳисса қўшган Мустафо Камол Отатурк хотирасига ўз ҳурматини бир неча бор эътироф этди. Туркия Буюк Миллат Мажлисида парламент раиси Ҳикмат Четин билан самимий ва дўстона руҳда ўтган суҳбат чоғида ҳам нафақат Туркия халқи, балки ўзбеклар ва барча туркий тилли халқлар Отатурк номини эҳтиром билан тилга олишини айтди.

Расмий ташрифнинг иккинчи куни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари, сўнгра эса икки томонлама ҳужжатлар имзолаш маросими бўлди. Унда ўзбек-турк муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма Баёнот, божхона, туризм ҳамда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда фан ва технология соҳасидаги ҳамкорлик бўйича турк-ўзбек қўшма комиссияси тўғрисидаги протокол имзоланди. Шунингдек, абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Консуллик конвенцияси ҳамда Фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди. Бу ҳужжатлар икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг ишчи гуруҳи Андижон вилоятида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини ўрганиб чиқишди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган республика халқ хўжалиги тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёргарлигига бағишланган йиғилишда бу борада қилинган ишлар ҳақида ахборотлар тингланиб, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар муҳокама этилди.**

## JUMLADA JAHON

**● Андижон шаҳридаги 2-лицейга Ўзбекистон —АҚШ тараққиёт маркази вакиллари — Техас ва Вашингтон университетлари профессорлари ташриф буюришиб, ўқувчиларнинг инглиз тилини қандай ўрганаётганликлари билан қизиқди ҳамда лицейга Америка тарихи, халқи, илм-фани ва маданиятига оид китоблар совға қилди.**

**● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг АҚШга расмий ташрифи давомида АҚШ ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекилди.**

**● Тожикистонда ҳокимият таркибининг 30 фоизини мухолифат вакиллари ташкил этиш масаласи ҳал бўлди, дея хабар беради миллий тотувлик комиссияси матбуот котиби.**

**● Афғонистоннинг Нангархон вилоятидаги 400 дан зиёд давлат хизматчиларига «Толибон» ҳаракати раҳбарлари томонидан мамлакатнинг марҳум Президентлари Тараки ва Амин билан ҳамкорлик қилган, дея айблов қўйилиб ишдан бўшатилган.**

Xat tahrirsiz bosilmoqda

## ЎҚИТУВЧИ ОДОБИ

**Аллоҳга беадад шукрки, бировларга муте бўлиб туришдан қутулдик, мустақилликка эришдик. Энди мустақил ҳолда, яъни ўз мияси, ақли, билими, фикри ва уқуви билан яшашни ўрганяпмиз.**

**Тажрибаларда кўриняптики, эркин яшашнинг ҳузуридан масъулияти кам эмас экан. Озод давлат, эркин кишига иймондан сўнг илм, ахлоқ, одоб жуда зарур бўларкан.**

**Илм, ахлоқ, одобнинг равнақисиз жамият тараққиёти ҳақида ўйлаб бўлмайди, уларнинг шаклланиб камол топишида эса мактабнинг ўрни ва ўқитувчиларнинг роли муҳимлигини ҳамма яхши билади. Шунинг учун ҳукуматимиз таълим соҳасини ислоҳ қилиш ишини асосий вазифа қилиб белгилаб қўйди. «...тарбия соҳаси ислоҳоти — дея таъкидлади президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида, — бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда».**

**... Хўш, сессияда: «...бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак», — деб юклатилган вазифани ўқитувчилар қай даражада уддалай олаётирлар? Бунга жавоб топиш учун президент Ислом Каримовнинг сессияда қуйиниб: «... замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак», дея уқдирган талабни мезон қилиб олиш зарур.**

**Муаллимлар замонавий билимни қандай эгаллайдилар? Китоб, газета ва журналлар орқали.**

**Ҳаттоки ҳозирги кунда ўртамиёна савияли ўқитувчи бўлиб юриш учун ҳам кунига энг камида беш хил газета ва журналларни ўқиб туришга тўғри келади. Агар ушбу кунлардаги ўқитувчиларнинг кундалик матбуот нашрларига обуна бўлишлари билан қизиқилса, кишини қувонтиролмайдиган манзарага дуч келинади. Кутубхоналарга аъзоликлари ҳам кўнгилларни тўлдиролмайди. Бундай муносабат билан муаллимлар ўз билимларини ошириб боришга қийналиб қоладилар ва оқибатда зиммаларидаги бурч ҳамда вазифаларни қониқарли уддалай олмайдилар.**

**Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида туб ислоҳотлар ўтказилаётган айни дамлар, қунт, ҳафсала ва иштиёқ билан жўшиб меҳнат қилиб яшайдиган палладир. Афсуски, маорифчиларнинг бу кунлардаги фаолиятларини намуна бўларли даражада деб ҳисоблаб бўлмайди. Ахир, республикамизнинг таълим-тарбия соҳасида чакана одам ишлайдими?! Агар улар фаол бўлсалар, ислоҳотларнинг жадаллашувига кўмак берувчи мақолалари билан газета-журналлар, ойнаи жаҳон ва радиоларнинг муҳарририятларини кўмиб ташлашган бўлишмасмиди?**

**Битта одам юқори лавозимга тайинланиб қолса, «йиқитмагунча» ёзишдан чарчамаймиз, ўғри молимиздан салгина камайтирса,қаматгунча тинчимаймиз, савдогар товарини бир сўм ошириб сотса, ўзимизча гуноҳкор ҳисоблаб тавқи-лаънат иламиз-у, минглаб ўртамиёна ўқитувчилар милёнлаб фарзандларимизни оддий «битирувчи» қилиб чиқараётганидан баданимиздаги тукимиз ҳам қимирлаб қўймайди?**

**Қизиқ бир сарқитки, ҳали-ҳануз янги костюм-шим кийгану бўйнига галстук осган одам «одобли ўқитувчи» саналади. Мактабга, болага, мияга посон эмас, илм зарур-ку! Шундай бўлгач, фақат ва фақат билим савияси ортиқ бўлганларгина одобли ўқитувчи бўла олади. Бир кунда тўрт-бештагина газета кўролмасдан болаларнинг олдига киришдан, ўртамиёна бўлиб кўчада бош кўтариб юришдан уялиш керак, муҳтарам муаллимлар! Ана шу уят, чин одоб ҳисобланади.**

**Таълим-тарбия ишининг ривожига энг катта тўсиқ бўлиб турган баҳоналардан яна бири «моддий базадир». Нима дейсан, моддий базамиз ночор, нима дейсан, унимиз кам, нима дейсан, бунимиз кам...**

**Эй одамлар, сал инсофли бўлайлик! Бу фақат, баҳона эканлигинги бугун айрим кичкина болалар ҳам тушуниб туришибди. Амир Темуру Навоий, Бухорию Нақшбандий, Яссавию Машраблар кенг, чароғон хоналарда ўқишибдими? Йўқ, улар қора мўрили, совуқ, хароба кулбаларда ўтириб илм ўрганишган. Лекин шундай бўлсада, уларнинг қолдирган илмий меросларидан бутун дунё баҳраманд бўлмоқда, олимлар тан беришмоқда.**

**Азиз устозлар ва қадрли ҳамкасблар! Ватанимизнинг бугунги куни ва эртанги тақдири ҳар хил баҳоналарга эмас, ғайрат, шижоат ва жонкуярлик билан қилинадиган меҳнатга боғлиқдир.**

**Келинглар, ҳар биримиз энг аввало ўз билимизмизни ошириш, одобимизни яхшилаш учун ҳаракат қилайлик, сўнгра болаларимизга чуқур билим ва мукаммал ахлоқий тарбия бериб мамлакатимиз келажагининг фаровон бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик! Зеро, она-Ватан, келажак биздан шуни кутмоқда.**

**Турсунали Муҳаммадсиддиқ ўғли ЮСУФИЙ,**
**Фарғона вилояти, Риштон тумайидаги Фурқат номидаги 33-ўрта мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси.**




Малика Саидова пойтахтимиздаги 129-мактабнинг тажрибали, моҳир педагогларидан бири.

У ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан дарс ўтишнинг энг самарали йўлларини топишда доимо изланади.

М. Саидова шогирдларини янги «Ўзбек адабиёти» дарслиги билан таништиряпти.

Олий тоифали тарих ўқитувчиси Матлуба Исматова Тошкент шаҳридаги 129-мактабда 25 йилдан бери дарс беради.

Унинг теран чеҳрасида узоқ йиллик меҳнат машаққатлари, ўзининг севимли касбидан мамнуният ифодалари муҳрланган.

Яқинда Матлуба опа меҳнат фаолиятида яна бир қувончли воқеа содир бўлди.

М. Исматова «Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Obuna-98

## «АЗАМАТ»НИНГ ТАЪЛИМ УЧУН ТАНТИЛИГИ

*Узун туманидаги «Азамат» хусусий кўп тармоқли фирмаси тумандаги 4-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари учун савобли ишлар қилиб келмоқда. Яқинда у ўз саховатини яна бир бор намойиш этди. Мактабни ўз ҳисобидан бир қанча таълим нашрларига бир йиллик обуна қилди. Жумладан, «Маърифат» газетаси 3 жойда (ўқитувчилар ва директор хоналари ҳамда кутубхонада), «Учитель Узбекистана» газетаси, «Халқ таълими», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Соғлом авлод учун» журналлари кутубхонада тахлам бўладиган, ўқитувчиларни таълим янгиликларидан огоҳ этиб турадиган бўлди.*

*«Азамат» фирмасининг бошлиғи Азамат ака Ҳасанов билан учрашиб бунинг боисини сўраганимизда қуйидаги сўзларни эшитдик.*

***— Аввало ўзим бирор олий ўқув юртига кириб ўқимаганим учун болаларимнинг ҳаммасини олий маълумотли бўлишларини ҳавас қилдим. Уларнинг ўқишларига эътибор беришга ҳаракат қилдим. Икки нафари олий ўқув юртини тугатди. Бу ўқитувчиларнинг ҳам катта хизматлари бўлди, албатта. Бугунги болакайларимиз ҳам ўзгача. Яқинда хизмат юзасидан Тошкентга бориб келдим. Қайтиб келгач 3 яшар набирам қаерда бўлганлигимни сўради. Одатим бўйича «Ташкенда» деб айтдим. «Ташкен деманг, Тошкент дейсанг»,дейди 3 яшар бола.***

***Болаларимизни янада яхши ўқитиш учун назаримда ўқитувчиларимиз таълимдаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб туришлари керакдек. Бу вазифалардан бирини матбуот бажаради, албатта.***

*Азамат ака билан суҳбатлашиб ишбилармонларимиз таълимнинг зарурати ҳақида гапираётганларидан, тўғриси хурсанд бўлдик. Ва барча ишбилармонларимиз ҳам шундай қалби дарё, танти бўлишса, дея орзу қилдик. Муаллимларга ёрдамлашган тадбиркорларга эса Яратганнинг ўзи мадад берсин.*

**Мухбиримиз.**

## СЕМИНАР КУТИЛГАНИДЕК ЎТДИ

*Аввал хабар қилганимиздек Сурхондарё вилоятининг Узун туманида «Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчилар билимини диагностик таҳлил этиш бўйича Республика семинар кенгаши бўлиб ўтди.*

*Мазкур уч кунлик тадбирнинг ялпи йиғилишини Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринси ўринбосари Йўлдош Саиджонов олиб борди. Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Муҳиддин Абдуллаев вилоят ҳокимлиги номидан, Узун туман ҳокими Сафар Ҳасанов семинар ишига омад тиладилар. Семинарда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рўзибой Турсунов, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, вилоятлар ПХМОИ директорлари иштирок этдилар.*

*Умуман олганда семинар кенгаш кутилган баҳс-мунозараларга бой бўлди. Янги-янги фикрлар айтилди. Рейтинг тизимига ўтишда Узун туманида қилинган ишларга ҳам муносиб баҳо берилди.*

*Семинар-кенгаш борасидаги батафсил мақоламиз билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.*

**Ҳ. ОМОНОВ.**

«КОНСТИТУЦИЯ — МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ» 2-бет.

МАКТАБДА «МАЪРИФАТ» ХОНАСИ 3-бет.

МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ 3-бет.

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ОДАМЛАР БОР...

Халқимизнинг севимли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳам уз асарлари билан узига «ҳайкал» қўйиб кетган шахсдир. Бугунги кунда республикамизнинг турли бурчакларида адибнинг 90 йиллик юбилейига катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Жумладан, яқинда Учқуприк туманидаги 20-ўрта мактабда ёзувчи ҳаёт йўлига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Т.Охунжонова А.Қаҳҳорнинг адабий мероси ҳақида гапириб берди.

Ўқувчилар адиб ҳикоялари асосида саҳналаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этишди.

**Ш.ТЎРАЕВ.**

### DO'STONA UCHRASHUV

Guliston shahriga yaqinda bir guruh hindistonlik mehmonlar tashrif buyurishdi va ular shahar bilan tanishuvni dastavval shahardagi liseydan boshlashdi.

Hindiston va O'zbekiston madaniyat markazi direktori janob Qamar Rais, janob Amar Jit-Sing, mohir raqqosa Mangla Bxatlarni Dilorom Rahimova boshliq lisey ma'muriyati samimiy kutib oldi.

Mehmonlar lisey hayoti va ish faoliyati bilan yaqindan tanishdilar.

Tashrif so'ngida ular o'z madaniyati to'g'risidagi kitoblarni liseyga esdalik sovg'asi tariqasida taqdim etishdi.

**Sadbarxon JO'RAYEVA.**

### БУЮК САНЪАТКОРГА ЭҲТИРОМ

Халқимиз севиб ардоқлаган, уз номини хотираларга учмас муҳрлаб кетган санъаткорлардан бири, шубҳасиз, Комилжон Отаниёзовдир.

Машҳур қўшиқчи туғилиб ўсган Шовот туманида у киши номи билан аталувчи мактаб бор.

Ушбу йилда кенг нишонланаётган санъаткорнинг 80 йиллик юбилейини бир пайтлар у киши ўқитувчилик қилган мактаб жамоаси ҳам муносиб нишонлади.

Яқинда мактабда К.Отаниёзовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган музей ташкил этилди.

**Ғойиб ЁҚУБОВ.**

Tavsiya

# «КОНСТИТУЦИЯ — МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ»

**Собиқ Иттифоқ даврида, барча миллат халқлари ёпасига «совет халқи» деб аталадиган йилларда, уларнинг Конституцияси ҳам бир хил эди. Уни бежаб ва ҳашамдор қилиб, «СССР Конституцияси» деб номлашган эди.**

**Энди у йиллар ўтиб кетди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг, унинг озод ва танти халқининг ўз конституцияси бор. Бунга ҳеч ким четдан даҳл қилолмайди. Чунки давлатимиз мустақил, у ҳеч кимга муте эмас.**

**Қуйида республика таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими томонидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар берилади. Конституция куни яқин. Бу ҳам миллий байрамларимиздан бири. Мактабларда унга бағишланган дарслар қай тарзда ўтиши керак? Ўқинг, зора қўл келса.**

Дарслар «Конституция — мустақиллик пойдевори» мавзусига бағишлангани маъқул. Чунки юртимиз мустақилликка эришганининг бир йиллигидан сўнг мутлақо миллий руҳдаги Конституция қабул қилинди.

Конституцияга бағишланган дарснинг асосий мазмуни унинг мамлакатимиздаги халқлар бахт-саодати, унинг порлоқ келажагини белгилаб берувчи ҳужжат эканлигига қаратилади. Асосий қонунимиз бизга инсон ҳуқуқларини, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлат қураётганимизни эслатиб туради. Шунингдек, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида давлат тили бўлган ўзбек тили, давлатимиз байроғи, Герби, Мадҳияси, миллий тарбия, ахлоқ-одоб қоидалари, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларга жиддий эътибор бериш лозим. Уқувчиларга бу сиёсий ҳужжатнинг нечта бўлим, боб ва моддалардан иборат эканлиги тўғрисида сўзлаб берилади.

Узбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқ. У биринчилар қаторида демократик, умуминсоний тамойиллар асосида ҳуқуқий ва адолатли жамият қурмоқда. Инсон бизда ардоқланади. Шу боис Конституциямизнинг 1 бўлим, 11 боб 13-моддасига алоҳида тўхталиб утиш керак.

Ёш авлодни юксак маънавий тамойиллар асосида тарбиялашда уларнинг қалбига Ватан туйғусини сингдиришда, уз эл-юртига садоқат ва муҳаббат ҳисларини шакллантиришда ва шу асосда давлатимиз рамзлари моҳиятини очиб беришда Конституциянинг 1 булим, 1 боб, 4—5 модда, 11 бўлим XI боб 52-моддаларидан фойдаланиш мумкин.

Миллий урф-одатлар ва қадриятлар қайтадан қарор топди. Барча уқув муассасаларида миллий тарбияга эътибор бериш, миллий ғурурни уйғотишда халқимиз қадриятларини, маданий ва маънавий меросини урганишда, ҳаётга татбиқ этишда Конституциянинг 1 бўлим, 1 боб, 4-модда, 11 бўлим, XI боб, 49-моддалари жуда қўл келади.

Дарсни уюштиришда уқувчиларнинг ёши албатта ҳисобга олиниши керак. Бошланғич синфда Конституция тўғрисида гапирганда, бадиий адабиётлардан, кичик-кичик шеър намуналаридан фойдаланиш болага мавзу мазмунини имкон қадар содда ва самарали тушунтиришга ёрдам беради.

V—11 синфларда уқитувчи болаларга Қонунимизнинг аҳамиятини унинг мазмуни, моддаларнинг маъносини ва жамиятимиздаги аҳамиятини шарҳлаб бериши керак.

Ҳунар техника билим юртлари, олий ва урта педагогика уқув юртларида моддаларни таҳлил этиш, унинг назарий асосларини ва давлатимиз учун амалий аҳамиятини чуқур тушунтириш талаб қилинади. Бунда ҳар бир фуқаронинг давлат, оила, жамият олдидаги бурч ва вазифаларини бажариши лозимлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилади.

Дарс кутаринки руҳда утказилса, унутилмас бўлиб қолади. Уни ташкил этиш ва утказишда уқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг билим доирасини ҳисобга олган уқитувчи ютади. Дарслар турли хил куринишда бўлса, уқувчилар зерикиб қолишмайди.

Бошланғич синфлар учун уйин дарси мақсадга мувофиқдир. Бунда мураббий иқтисод, экология, миллий урф-одатлар, ватанпарварлик мавзуларини ўзида мужассам этган роллик ижодий ва ҳаракатли уйинлар, сиртқи уйин саёҳатлари утказиши мумкин.

Суҳбат дарс эса барча синфлар, ХТБЮ ва урта педагогика билим юртлари талабалари учун ҳам мулжалланаверади. Шуни ҳисобга олиш керакки, талаба ва уқувчилар давлат ҳужжатларини дарс жараёнида тўлиқ батафсил ургана олмайдилар. Дарс умумий тушунча ва йўналиш беради холос. Ҳаётий мисоллар, болалар адабиёти ва газета ва журналларда чоп этилган ҳикоялар, мақолалар уларнинг кўпгина қирраларини очишда кумаклашади.

Булардан ташқари, давра суҳбати дарси ҳам бор. Давра суҳбатини уқитувчи, фаол уқувчи ёки меҳмонлар олиб боради. Мавзуни ёритиб берувчи саволлар танланади. Унга давлат арбоблари, халқ депутатлари, ёзувчи-шоирлар, маданият арбоблари, фахрийлар таклиф этилади. Савол-жавоб авжига чиқади.

Ишбоб-уйин дарси юқори синфлар, ҲТБЮ, олий ва ўрта махсус педагогика уқув юртларининг фаолияти мазмуни мос тарзда бўлиши керак. Бу дарсларда кўпроқ талабаларнинг узларининг ушбу мавзуни қанчалик тушуниб етишишга ва уқувчиларга қандай тарзда етказиб бера олишига аҳамият бериш маъқул.

Дарсни уюштиришда бир хилликдан қочиш, ўзига хос услублар танланса, у уқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланади. Иложи борича умумийликдан қочмоқ даркор.

Ватан қомуси — дилларда, тилларда, у ардоққа, сийловга лойиқ. Чунки унда инсон ҳуқуқлари, бурчлари белгилаб қўйилган. Буни дарсда уқувчи онгига етказиш уқитувчи маҳорати ва изланишига боғлиқ.

**Машкура ТУРОПОВА,**
**Республика таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими мудири.**

Huquqiy bilimlarni o'rganamiz

# БУНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

КОНСТИТУЦИЯ — давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция давлат тузилишини, давлатнинг бошқарув шаклини, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини белгилаб қўяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган. Шу кун умумхалқ байрами деб белгиланган.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ — ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири. Бунда Конституция ва қонунларга ҳамманинг сўзсиз амал қилиши зарурлиги, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиги тушунилади. Конституция ва қонунларга зид келувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД — Узбекистон Республикасининг суд тизимига кириб, қонунларнинг Конституцияга мос келишини, шунингдек, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мос келишини назорат қилади. Конституциявий суд раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда, Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд таркибига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тавсия қилинади. Конституциявий суд ҳеч қандай органга бўйсунмайди, у фақат Конституция ва қонунга бўйсунади. Унинг фаолияти махсус Конституциявий суд тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

**«Давлат ва ҳуқуқ асослари» изоҳли луғатидан олинди.**

Tadbir

# ҲАҚҚИМИЗ ВА БУРЧИМИЗ

Келажаги порлоқ — мустақил Узбекистон Конституцияси давлатимизнинг тўлақонли ҳуқуқий кафолатларини ўзида мужассамлаштирган, мамлакатимизни барча давлатлар билан бир қаторда, тенг бўлишини таъминловчи асосий ҳужжатлардан биридир. Ушбу қонунлар мажмуини уқувчилар онгига чуқурроқ сингдириш ҳамда уни ургатиш таълим муассасаларининг доимий ишига айланмоғини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилган эди. Унинг қандай амалга оширилаётганлигини Наманган вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, бу борада бир талай амалий ишлар қилинган.

Жумладан давлат рамзлари кўрик танловини имкон қадар кенг миқёсда ўтишининг таъминланганлиги уқувчиларда Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатни, ундаги ғурурланиш туйғуларини бир қадар кўтарди. 7—9-синфлар ўртасида синфлараро, мактабларо ҳамда ҳудудлараро «Амалдаги Узбекистон Республикаси Қонунлари — бизнинг қонунларимиз» деб номланган кўрик-танлов ҳуқуқий билим бериш самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармаси Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси қўшма қарори билан шу йилнинг охири ва келаси йилнинг бошида бўлиб ўтадиган «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган юқори синф уқувчилари ўртасида ўтказилажак билимлар синовига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Низомга кўра 4 босқичда бўлиб ўтадиган бу мусобақани ташкил этиш гуруҳи тузилиб, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда саволлар тайёрланмоқда. Уларни тузишда асосий эътибор суд материалларини ўрганишга қаратилмоқда. Бу албатта болаларни амалиётга жалб этишга хизмат қилиб, уларни кузатиш жараёнида уқувчилар ўзларига тегишли хулосаларни чиқариб олишади.

Шу кунларда вилоят мактабларида «8 декабрь — Узбекистон Республикаси Конституцияси куни» байрамини муносиб нишонлаш тадориги кўрилмоқда. Ушбу байрамда мустақил давлатимиз пойдевори ҳисобланмиш — Конституцияни уқувчиларга янада теранроқ англатиш ва унга амал қилиш барчамизни муқаддас бурчимиз эканлигини тушунтиришни мақсад қилиб қўйишган.

**МУХБИРИМИЗ.**





**Пойтахтдаги Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими туман прокуратураси билан ҳамкорликда ёшлар ва ўсмирлар орасида жиноятчиликни олдини олиш бўйича бирқатор тадбирлар ўтқазиб, туман юқори синф ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбиясига оид тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ушбу мақсадда прокуратура ва халқ таълими бўлими ходимлари жойлардаги мактабларда бўлишиб, ҳуқуқшунослик дарсларини ўтишаяпти. Шундай учрашувларнинг бири яқинда 22-мактабда бўлиб ўтди. Учрашувга туман прокурори, юстиция генерали Эркин Абзалов ва туман ХТБ мудири Абдулла Раҳматуллаевлар қатнашдилар.**

Xuquq va ta'lim

# ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

**Мактаб фойесида ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси бурчаги ташкил этилиб, унда мустақил Ўзбекистоннинг қонунлари, ҳуқуқ маданияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида сўз юритувчи деворий рўзномалар, журналлар ва китоблар терилиб қўйилган.**

**Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу ердаги материаллар тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, «Халқ таълими аълочиси» Курбон Усанов бошчилигидаги ҳуқуқшунослар тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган.**

**Мактабнинг мажлислар залида туман прокурори Э.Абзалов прокуратура иш фаолияти ҳақида туман ёшлари тарафидан содир этилган жиноятлар тўғрисида қисқача гапириб ўтди. Сўнг Ш.Рафиқова, Ш.Комилова, Ш.Шомансуров, М.Косумхонов каби ўқувчиларнинг саволларига ҳар томонлама жавоб берди. Шунингдек, у юқори синф ўқувчилари вакилларини суд мажлисларидан бирида иштирок этиб, жиноий ишларнинг қаралишини ўз кўзлари билан кўришга таклиф этди.**

**Ўзбекистонда халқ таълими соҳасидаги янги ислоҳотлар, мактабларнинг бу борадаги иш фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаш, ўқувчи маданияти, жойларда мактаб кийимини жорий этиш ва педагог кадрларнинг бугунги муаммолари тўғрисида туман ХТБ мудири А.Раҳматуллаев сўзлаб берди.**

**Қизиқарли ўтган учрашув ниҳоясида мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳ. Ҳошимов ушбу тадбирда қатнашган меҳмонларга ва фаол иштирок этиб ўтирган ўқувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.**

**Суратда: учрашув пайти.**

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол-яроғларни назорат қилиш гуруҳи жума куни Ироққа қайтиб ўз ишини қурол-яроғларни назорат қилиш гуруҳи жума куни ироққа қайтиб ўз ишини қайта бошлашни режалаштирмоқда. Ироқ БМТ қурол-яроғ инспекциясига тўла тартибда, яъни америкаликлар иштирокида мамлакатга қайтиб келишига рози бўлгандан сўнг БМТ инспекцияси раҳбари Ричард Бартьер ушбу баёнотни эълон қилган. Жаноб Бартьернинг айтишича, у Хавфсизлик Кенгашининг охирги ривожи бўйича тасдиқ олган ва инспекциялар текширувни шанба куни бошлаши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси кеча Женевада учрашувдан кейин, Ироқ уч ҳафталик зиддиятта чек қўйиб, БМТ резолюциясига рози бўлган кўринади.**

* * *

**Москвадан олинган хабарларга кўра Россия ҳукуматининг етакчи ислоҳотчиси Анатолий Чубайс молия вазирлиги лавозимидан озод қилинган. Бироқ ушбу хабарда айтилишича, Чубайс жаноблари бош вазирнинг биринчи ўринбосари вазифасида қолади.**

***

**Россия мудофаа вазири Игорь Сергеевнинг айтишича, янги баллестик турдаги ракета синов давомида портлаб кетган. Россия денгиз флоти Архангельск вилоятида ушбу синовни ўтказаётган эди. Қурбонлар бўлмаган. Хабарларга кўра, портлаш шунчалик кучли бўлганки, зарба 40 км узоқликдаги Сегородник шаҳрига ҳам сизилган.**

* * *

**Тожикистон ҳукуматининг маълум қилишича, сешанба куни пойтахт Душанбедаги уйидан ўғирлаб кетилган инсонпарварлик ёрдами ташкилотининг 2 нафар француз ходимини қидириш давом этмоқда. Ҳукумат бу муаммони тезда ҳал қилишни билдирган. Бироқ одам ўғриларининг кимлиги, қаерданлиги ва мақсади ҳалигача номаълум. Чунки улар ҳозиргача ҳеч қандай талаб билан чиқишмаган. Ҳукуматнинг билдиришича, ушбу амал мамлакатдаги тинчлик жараёни ва Тожикистон учун қарз кўтариш бўйича келаси ҳафта Австрияда бўладиган йирик конференцияга путур етказишга қаратилган бўлиши мумкин.**

* * *

**Жанубий Кореянинг миллий валютаси долларга нисбатан яна 10 фоиз қадрини йўқотган. Бир кун аввал эса ҳукумат мамлакат иқтисодини ривожлантириш бўйича бир қанча янги чораларни эълон қилган эди. Жанубий Корея миллий валютаси, яъни «вонд» бозор очилгандан кейин энг паст кўрсаткичга тушиб кетган. Савдо эса бир кунга қолдирилган. Мамлакатнинг янги молия вазири халқаро валюта жамғармасининг кўмаги шу пайтда жуда асқотишини айттан бўлса ҳам бу айни пайтда кўпроқ минтақавий ҳамкорликка асосланишини маъқул кўришини билдирган.**

**«ВВС» (ЛОНДОН).**

# НУРЛИ ОДИМЛАР

Сағдулла Иброҳимовни Каттақўрғон шаҳрида жуда кўпчилик яхши танийди. У киши шаҳардаги техникум, билим юрти ва мактабларда ёшларга таълим-тарбия бериб келади.

Сағдулла Иброҳимов Самарқанд давлат университетини 1959 йилда муваффақиятли тамомлагандан сўнг Сурхондарё педагогика институтига ишга юборилди. Сўнгра Қарши педагогика институтида ўқитувчиликни давом эттирди. Ниҳоят 1962 йилда қадрдон Каттақўрғонга қайтди. Дастлаб ўзи ўқиган Мирий номли 2-ўрта мактабда илмий бўлим мудири, 1967 йилдан эътиборан шаҳардаги Акмал Икромов номидаги педагогика билим юртида таълим ва тарбия ишлари бўйича директор вазифасида ишлади. Айнан ана шу билим масканида у тажрибасини ошириб ташкилотчи, фидойи маорифчи сифатида танилди.

Республикада чорвачилик бўйича кадрлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида 1976 йилда Каттақўрғонда совхоз техникум ташкил этилди. Бу ерда чорвачилик комплекслари, фермалар ва паррандачилик корхоналари учун зарур мутахассислар-зоотехник, электр-механик ва бошқа касб эгалари тайёрлана бошланди. Ана шу техникумни бошқариш, ишини тўғри ташкил этиш вазифаси С.Иброҳимов зиммасиға юкланди. У киши техникум ташкил этилгандан то 1992 йилгача, яъни уқув маскани тугатилгунча шу ерда директор вазифасида ишлади. Шу давр ичида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги чорвачилик комплексларига, давлат ва жамоа хўжаликларига минглаб етук кадрлар етказиб берилди. Уша пайтлари шу техникумда таълим олган йигит-қизларни кўпчилиги бугунги кунда паррандачилик корхоналари, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар, комплексларда раҳбар ва бош мутахассис бўлиб ишлашмоқда.

Техникумда ишлаб юрган чоғларида ҳам Сағдулла акани шаҳар ва тумандаги кўпгина умумтаълим мактабларига ишга таклиф қилишган. Лекин кўнглини шу жойга қўйиб, жамоага ўрганиб қолгани учун бу таклифлар учун раҳмат айтиб қўя қолганди. 1992 йилда уқув даргоҳи тугатилгач, у шаҳардаги Мамарасул Бобоев номли 5-ўрта мактабда таълим ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлай бошлади. Кўп йиллик тажрибасини ишга солиб мактабни шаҳардаги намунали илм масканларидан бирига айлантиришга ҳаракат қилди ва мақсадига эришди ҳам.

Одатда, ҳақиқий инсон мукофот учун, раҳмат ёки бошқа йўсиндаги миннатдорчиликлар учун меҳнат қилмайди. Меҳнат, айниқса зиёлининг меҳнати беминнат бўлиши керак. С.Иброҳимов ана шу шиорни ўзи учун қоида қилиб олди. Шогирдларининг унга бўлган ҳурмат иззати, садоқати, қоларверса камолотини у ўзи учун катта мукофот, тақдирлов деб тушунди. Албатта қилинган фидокорона меҳнат барибир ўз баҳосини олади. С.Иброҳимов «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали, «Меҳнат фахрийси» унвони, халқ таълими вазирлигининг қатор Фахрий ёрлиқлари, бошқа ташаккурномалар, фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Шу кунларда Сағдулла ака 60 ёшга тўлиб, турмуш ўртоғи Муҳаррамбиби опа билан биргаликда ўз шогирдлари, фарзандлари — ўқитувчи, шифокор, иқтисодчи бўлиб ишлаётган Жамила, Замира, Комилжон, Дилфузаларнинг камолини кўриб қувонч қучоғида.

**М.ЭРГАШЕВ,**
**И.УМАРОВ.**
**жамоатчи мухбирлар.**

# ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЭКОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда экология муаммолари энг долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчиларга экологик муаммолар ҳақида батафсил тушунча бериб бориш керак. Экология фани география фанига жуда яқин бўлгани учун мактабда география дарсларида бу ҳақда етарлича тушунча бериш мумкин.

Маълумки ўқувчиларга экология ҳақида тушунча бериш қуйи синфлардан бошланади. География дарсларида эса уша ҳудуд ёки мактабдаги экологик муаммолар ҳақида қисқача тушунча бериш керак. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси дарсларида Ўзбекистоннинг жуғрофий ўрнига таъриф бераётганимизда Ўзбекистон ҳудудидаги долзарб экология муаммолар ҳақида қисқача гапириб ўтишимиз (Орол денгизи мисолида) мумкин.

«Рельефи ва фойдали қазилмалар» темасини ўтаётганимизда эса фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлашдаги экологик масалалар ҳақида қисқача тушунча бериш керак. Мисол: Ангрен кўмир конида кўмирни қазиб олишда ер рельефининг ўзгариши. У ердан кўтарилаётган чанг натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бу чангнинг ўсимлик дунёсига ва ҳайвонот дунёсига таъсирлари ҳақида гапириб ўтиш лозим. Буларнинг олдини олиш учун келажакда фаннинг олдида турган вазифалар ва буларни синфдаги айрим болалар ҳам бажариши мумкинлигини тушунтириш, уларни ўқиб, олим бўлишга даъват қилиш мумкин.

«Аҳоли сони ва зичлиги» темасини ўтаётганимизда эса Орол денгизининг қуриб кетиши натижасида Орол бўйи минтақасида экологик аҳвол жуда мураккаблашганлиги, улимнинг, болалар касаллигининг кўпайганлиги, яшаш учун шароитнинг ёмонлашганлиги, аҳолининг сони ва зичлигига анча таъсир этиши гапирилади. Бу нарса нафақат аҳоли сони ва зичлигига таъсир этади, балки уша ҳудуднинг туп-роғи, ўсимлиги ва ҳайвонот дунёсига, халқ хўжалигининг ривожланишига таъсири, тармоқлараро мажмуаларнинг ҳам таркиб топишига катта таъсир этади. Шунинг билан биз яшаб турган жойимизда ҳам экология муаммолари мавжудми, йўқми? Мавжуд бўлса улар ҳақида ўқувчилар билан суҳбат тариқасида ўқувчиларга тушунча берсак айни муддао бўлади.

Туманимизга қўшни бўлган Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган алюмин ишлаб чиқариш заводидан чиқаётган тутун таркибида фтор газининг борлигини, унинг туманимизга ва вилоятимиздаги бошқа туманларга ҳам таъсири ҳақида тушунча беришимиз лозим. Бунинг учун, аввало, химия ўқитувчиси билан маслаҳатлашиб фтор гази ҳақида батафсил маълумот олиб, унинг зарарлари ҳақида маълумот беришимиз керак.

Бу газнинг туманимиз ва қўшни туманлар ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва энг асосийси инсонларга таъсири ҳақида кенгроқ тушунча бериш, шу газнинг таъсирида туманимизда болалар улимининг кўпайганлиги, туғма ногирон болаларнинг туғилиши, дунёга машҳур бўлган Дашнабод анорларининг ҳозирги аҳволи ҳақида, чорвачиликнинг кўрган зарарлари ҳақида тушунча беришимиз зарурдир.

**Мавлуда МАМАТОВА,**
**Узун туман халқ таълими бўлими услубчиси.**

Sinab ko'ring

# МАКТАБДА «МАЪРИФАТ» ХОНАСИ

Узбек халқининг бой маънавий меросини, анъаналари-ю удумларини ўқувчиларга ўргатиш орқали ёшларда соғлом дунёқарашни, миллий мафкурани шакллантириш замон талабидир. Мамлакатимиз раҳбариятининг маънавий-маърифий соҳага эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, **«бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор».** Дарҳақиқат, республикамиз Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан туманимиздаги ўқув муассасаларида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, барча мактабларда «Маърифат» хоналари ташкил этилган. Янгиланаётган жамиятимизда миллий мактабни шакллантиришда қўйилган бу каби илк қадамларни ҳисобга олиб, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази туман кенгаши мактаблардаги «Маърифат» хоналари ишини ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқди. Қуйида ана шу тавсияларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

### «МАЪРИФАТ» ХОНАСИНИ ЖИҲОЗЛАШ

«Маърифат» хонасидаги жиҳозлар асосан қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

— Мустақил Давлатимиз рамзлари;

— Буюк алломалар, халқимиз йўлбошчиларининг портретлари ҳамда уларнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи лавҳалар;

— Тарихий, иқтисодий атамаларнинг изоҳли луғатлари;

— Табаррук зиёратгоҳлар, тарихий ёдгорликлар ҳақида маълумотлар;

— Газета ва журналлар тахламлари;

— Республика, вилоят ва туман хариталари;

— Халқимизнинг маданий мероси, анъаналари, удумларини акс эттирувчи кўргазмалар;

— Мустақил мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим саналар;

— Маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларга оид Фармонлар, Қонунлар, Қарорлар жамланмалари ва мазкур соҳаларга тегишли асарлардан намуналар;

— Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, халқ хўжалиги тармоқларида эришилаётган улкан муваффақиятларни акс эттирувчи кўргазмалар;

— «Ахлоқ-одоб», «Таълим-тарбия» ва инсоннинг жамият олдидаги маънавий бурчига оид дурдона фикрлар кўргазма-лавҳалари;

— Синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар ўтказиш жадваллари;

— Ахлоқ-одоб қоидалари;

— Етакчи, жамоатчиларнинг «Ҳурмат тахтаси»,

— Мактаб ҳаётига оид маълумотлар;

— Методик тавсиялар ва бошқалар.

### «МАЪРИФАТ» ХОНАСИДА ЮРИТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Жорий иш режалари;
2. Синфлар бўйича ўқувчилар ҳақида маълумотлар;
3. Маънавий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатувчи гуруҳлар ҳақида маълумотлар;
4. Маърузалар, ҳисоботлар, ахборотлар жамланмалари;
5. Мактабда мавжуд кутубхоналар, музейлар, тўгараклар ҳақида маълумотлар;
6. Таклиф ва мулоҳазаларни қайд этиш дафтари;
7. Утказилган тадбирларни ҳисобга олиб бориш дафтари.

### ИШ ОЛИБ БОРУВЧИ БЎЛИМЛАР

1. Илмий-ижодий.
2. Ўқувчилар билан ишлаш.
3. Ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш.

Мазкур бўлимларда турли йўналишлар бўйича гуруҳлар тузиш мумкин. Чунончи, «Илмий-ижодий бўлимда»: «Утмиш педагогикасини ўрганиш»; «Ривожланган мамлакатлар, шунингдек, республикамиз мактабларидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва мактаб ҳаётига татбиқ этиш»; «Фанларни ўқитишда улуғ алломаларимиз меросидан фойдаланиш» ва ҳоказо;

«Ўқувчилар билан ишлаш» бўлими таркибида эса «Мактаб ўқувчиларини дунёда ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар билан таништириб бориш», «Ўлкамиз тарихини, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш», «Мактабда ахлоқ ва одоб қоидалари бажарилишини назорат қилиш» сингари.

«Ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш» бўлимида: «Маънавий-маърифий масалаларда мактаб ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш», «Ота-оналар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш», «Байрамларни, анъанавий кунларни ўтказиш» каби гуруҳлар шулар жумласидандир.

### «МАЪРИФАТ» ХОНАЛАРИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

«Маърифат» хонасида иш олиб борувчи бўлимларнинг иш режаларини умумлаштирган ҳолда «Маърифат» хонаси режалари хона мудири (мактаб директорининг маънавий ишлар бўйича ўринбосари) томонидан тузилиб, мактаб педагоглар кенгашида тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир.

Режа қуйидагилардан иборат бўлади:

Мактаб педагоглар кенгаши муҳокамасига тақдим этиладиган масалалар;

Ўқувчиларнинг умумий йиғилишларида кўриладиган масалалар.

Ота-оналар йиғилишларида муҳокама этиладиган масалалар.

«Маърифат» хонасида ўтказиладиган тадбирлар:

Мактаб педагоглар кенгашига: «Маърифат» хонаси иш режасини тасдиқлаш», «Мустақиллик дарсларини ўтишга тайёргарлик ишларининг олиб борилиши», «Ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатишда мактаб ихтиёридаги дарс соатларидан фойдаланиш», «Тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши», «Халқ амалий санъатига, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларга таалуқли тўгараклар ташкил этиш», «Маънавий-маърифий ишларни олиб боришда мактаб кутубхонаси ва музейнинг хизмати тўғрисида»ги масалаларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларнинг умумий йиғилишларида эса табиатни муҳофаза қилишда ўқувчиларнинг вазифалари: ўқувчиларнинг дарсликлар ва ўқув қуролларидан фойдаланиш, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этаётганликлари; синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларда қатнашиши мавзуларидаги масалалар кўрилиши, шунингдек, турли мусобақалар, танловларнинг натижалари эълон қилиб борилиши кўзда тутилади.

Ота-оналар йиғилишларида «Бола тарбиясида оиланинг ўрни», «Давлатимизнинг кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларимизга таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш соҳасидаги ғамхўрликлари», «Болаларда ахлоқий сифатларни, соғлом дунёқарашни камол топтиришда мактаб ва оила ҳамкорлигининг аҳамияти», «Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишда ота-онанинг вазифалари», «Миллий қадриятларимиз ахлоқ-одоб тарбиясининг негизи», «Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни эгаллашнинг аҳамияти» ҳақидаги масалаларни муҳокама этиш тавсия қилинади.

Булардан ташқари, «Маърифат» хонасида буюк мутафаккирларимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кечалар, мусобақалар, танловлар, кўргазмалар, конференциялар, учрашувлар, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз ҳақида суҳбатлар уюштириш кўзда тутилади.

Шунингдек, «Мустақиллик куни», «Билимлар куни», «Наврўз», «Рамазон», «Қурбон» ҳайитлари, «Конституция куни», «Халқаро болалар куни», «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни», «Халқаро хотин-қизлар куни», «Ғалаба куни», «Ватан ҳимоячилари куни» каби улуғ саналарни нишонлаш тадбирларини тузиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, биз тавсияларимизни мукаммал, ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта деган фикрдан йироқмиз. Шу боис газетхонлар, тажрибали мураббийлар, маънавий-маърифий соҳа ходимлари бу борадаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

**Зикрилла ШЕРМАТОВ,**
**Қашқадарё вилояти «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Косон туман бўлимининг раҳбари.**



**Пойтахтимиздаги 245-мактабда ўқувчиларга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси сабоқлари кўргазмали қуроллар асосида, қизиқарли олиб бориляпти.**

**Суратларда: машғулот лаҳзаларидан лавҳалар акс эттирилган.**

**Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# ФАХРИМСАН, ИФТИХОРИМСАН

*Мамлакатимиз илму маърифатининг салоҳиятли устунларидан бири қутлуғ айём оғушида. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети 70 ёшга кирди.*

*Ҳар қанча байрам қилса арзигулик юбилей тантаналари 18—20 ноябрь кунлари олийгоҳда шодиёналар билан нишонланди.*

*«Фахримсан, ифтихоримсан, жонажон университетим!» деб номланган анжуманни Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров очди. Вилоят ҳокими Алишер Мардиев олийгоҳ жамоасини байрам билан қизғин қутлади.*

*Университет ректори академик Жўра Сатторов олийгоҳнинг босиб ўтган йўли, республикамиз тараққиётидаги ўрни хусусида тўлқинланиб гапирди.*

*Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири муовини. Қаҳрамон Аллаев университет жамоасини қутлаб, уларга вазирликнинг фахрий ёрлиқларини топширди.*

*Шунингдек юбилейда ЎзФА президенти академик Т.Жўраев, академиянинг Самарқанд бўлими бошлиғи Т.Ширинқулов, Республика Олий Аттестация комиссияси раиси академик Ш.Аюпов, ёзувчи Н.Нарзуллаев, Қирғизистон ФА президенти С.Сулаймонқулов, Москва Давлат Университети проректори Г.Чикурин, Республика Касаба уюшма кенгаши раиси А.Абдуғаниевлар ҳам иштирок этишиб, дил изҳорларини баён этишди.*

*Анжуман тантаналарида, шунингдек Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикасидаги келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди.*

*Бадиий ҳаваскорлар чиқишлари, Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат анжуманга ранг-баранг руҳ бағишлади.*

**Эшмирза МАҲМУДОВ.**

So'rang, javob beramiz

## «МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

**?**

***Қизим Норбекова Санобар касалхонада даволаниб чиқди, лекин шифокорлар у икки йил юриши мумкин эмас дейишди. Қизим 3-синфда ўқийди, икки йил мактабга боролмайди. Таълим олиши қандай бўлади? Ўқитувчиларга уйга келиб ўқитиши учун қандай ҳақ тўланади?***

**Нурмамат НОРБЕКОВ,**
**Жиззах вилояти Бахмал тумани Удамали қишлоғи.**

**!**

Тиббий-педагогик комиссиянинг хулосалари бўйича тегишли ҳужжатлари бўлганда, ўқувчиларга якка тартибда билим бериш ва ўқитувчиларнинг уйга келиб ўқитиши учун бошланғич синф ўқитувчиларига ҳафтасига 8 соатга ҳақ тўланади.

**?**

***1973 йилдан буён Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 6-ўрта мактабда узлуксиз ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. 1998 йилда педагогик фаолиятимга 25 йил тўлади. Олдинлари педагогик фаолияти 25 йил узлуксиз ишлаганларга 40 фоизли нафақа бўлар эди. Ҳозир ҳам шу қарор амалда борми, йўқми? Мен 40 фоизли нафақага чиқа оламанми ёки йўқми?***

**Ашур ЖЎРАЕВ,**
**Деҳқонобод туманидаги 6-ўрта мактабнинг 1-тоифали математика ўқитувчиси.**

**!**

Узлуксиз педагогик фаолиятингизга 25 йил бўлиб, 55 ёшга тўлган бўлсангиз, сиз нафақага чиқишингиз мумкин.

**Ушбу саволларга жавобларни ХТВ ҳузуридаги матбуот маркази ходими З. ХОЛМИРЗАЕВ тайёрлади.**

Fikr, mulohaza, taklif

# МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Вилоят малака ошириш институтларини олий ўқув юртлари мақомига тенглаштирилганлиги институтнинг кабинет тизимидан кафедра тизимига ўтишида катта имкониятлар яратилди. Илмий-методик ишларни ташкил этиш имкониятлари кенгайтирилди.

Малака айниқса таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилар учун асосий омилдир. Малака ошириш деганда энг аввало педагогика ва психология соҳасидаги янгиликлар билан танишиш раҳбарлик санъатини эгаллаш, касб маҳоратини ошириш, янги технология бўйича дарс бериш, уни таҳлил қилиш, дарс таҳлилидан мактабни бошқаришда фойдаланиш услубларини эгаллашдир.

Таълим-тарбиявий ишни янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бири ўқитувчининг билимдонлиги, касб малака савиясидир.

Малака оширишнинг асосий мақсади ўқитувчини маънавий бойиши ҳамда унинг касб маҳоратини ошириш, иш мазмунини яхшилаш, узлуксиз таълимини такомиллаштиришдир. Олинган билимларнинг кундалик фаолиятда қўлланиши таълим жараёнини такомиллаштиради ҳамда ўқитувчини янги билимларни эгаллашга ундайди.

Малака ошириш институтларининг вазифаси халқ таълимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фақат курс ва семинарларни утказишдангина иборат эмас. Ўқитишни ҳозирги замон даражасига кўтариш, ўқувчилар билимини юқори даражасини таъминлаш; илғор тажрибани тўплаш, оммалаштириш; мактаб, туман, шаҳар методика кабинетларига, методбирлашма, фан марказлари, илғор тажриба майдонлари, мактаб, лицейлар фан кафедралари ишига назарий ва амалий ёрдамлар бериш каби қатор долзарб вазифалар ҳам малака ошириш институтлари зиммасидадир. Бундай мураккаб ва шарафли вазифани бажаришни кафедра тизимисиз тасаввур қилиб булмайди.

1994 йил ноябрда институтимизда иккита кафедра: мактабшунослик ва педагогика-психология кафедралари ташкил этилган эди. Буларда ишлаш учун олий ўқув юртларидан мутахассис олимлар — фан номзодлари, доцентлар, докторлар таклиф этилди. Биз томондан амалга оширилган бу тадбир ўз самарасини берди. Институтимизда уша фанлар бўйича педагог ходимлар малакасини оширишнинг самарадорлиги анча ошди. Бу кафедраларда ишлаётган олимлар ўз мутахассисликлари бўйича тингловчиларга маърузалар ўқиш, семинар — лаборатория машғулотларини утказиш билан бир қаторда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг илмий-услубий ишланмалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёзиш ва уларни чоп эттириш билан ҳам шуғулландилар.

Ўтган 1995-96 ўқув йилида юқорида номлари тилга олинган кафедраларда ишлаётган олимлар ва катта ўқитувчилар томонидан 2 та монография, 21 та илмий-услубий қўлланмалар ёзилди ва босиб чиқаришга эришилди. Ваҳоланки янги тизимга ўтгунга қадар кафедра ходимлари томонидан тўрт йил давомида атиги 8 та методик тавсиянома тайёрланган эди. Демак кафедра, биринчидан, ҳозирги кун талабига жавоб берадиган кадрларни танласа, иккинчидан, уларни илмий-методик ижодкорликка ундайди.

Кафедраларнинг аҳамияти бу билан чекланмайди. Институтнинг ўз кучидан фойдаланиб, институтимиз учун юқори савияли илмий-услубий ходимлар — фан номзодлари етиштириш имконияти ҳам туғилади. Натижада институтга ёш, истиқболли, илмий-услубий жиҳатдан ўсиш имконияти ва иштиёқига эга булган кадрларни келишига имконият яратади.

Энг муҳим омил ва ютуқлардан бири кафедралар ташкил этиш тўфайли институтда иқтисодий жиҳатдан ҳам анча маблағ тежалади.

**Й. БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ректори.**

Ta'lim tarixidan

# ИСЛОҲОТ ВА БЕҲБУДИЙ

Жадидчилик фалсафасининг асосий мазмуни: мактаб ислоҳоти; матбуот ташкил этиш ва унда миллат аҳволи, эрки, истиқболи масалаларини ёритиш; халқ орасида маърифат тарқатиш; маҳаллий халқлар учун янгилик ҳисобланган замонавий театр муаммоларини назарий ва амалий ҳал қилиш; сиёсий ва маданий баркамолликка эътибор бериш; янги адабий тил ва бадиий жанрларни бойитиш; миллий бадиий тафаккурнинг анъанавий ва янги қатламларини ривожлантиришдан иборат бўлган.

Асримиз бошларида бир томондан диний мутаассиблик кучайиб, жадидларга қарши ҳужум авжга минган бўлса, иккинчи томондан янгилик ва маърифат тарафдорлари гоҳ яширин, гоҳ ошкора янги усулдаги мактабларини оча бошладилар. Беҳбудий, Мунаввар қори, С.Айний, А.Авлоний, Фитрат, Ҳамза орасида маърифат, тараққиёт ва ижтимоий ўзгаришлар йўлида изчил фаолият кўрсатган шахслардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидлик оқимининг Туркистондаги кўзга кўринган арбоби эди.

Беҳбудийнинг маърифатпарвар жамоат арбоби сифатидаги ижтимоий қарашлари, биринчи навбатда, мактаб ва маориф масалаларида кўринади. Бу Ўрта Осиё халқларининг XX аср бошларидаги ҳаётида жуда муҳим ижтимоий-маданий муаммо эди. Миллат тараққиётининг асосий эҳтиёжи маориф тизимига боғлиқлиги Беҳбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» («Туркистон вилоятининг газетаси», 1909 йил 2 октябр) мақоласида ёрқин ифодасини топади.

«Биз туркистонликларга, — деб ёзади Беҳбудий, — икки синф кишилари лозумдурки ва бу икки синф кишиларисиз бизнинг диний ва дунёвий илмларимиз, миллат ва қавмиятимиз, маиший эҳтиёжимиз хароб бўлиб, кундан-кун бегона миллатларнинг забуни ва маҳкуми бўлурмиз...»

Булар қандай кишилар эди? Биринчи синф, биринчи тоифа кишиларига замондан бохабар уламои диния, иккинчиси — диндан хабардор уламои замония. Беҳбудий биринчи синфга кирган уламолар олдига замондан, яъни тарихий ва жуғрофий замондан хабардор бўлиш талабини қўяди. Иккинчи синф уламолар ҳам диндан, ҳам замон тараққиётидан хабардор замонавий уламолардир. Уларни Беҳбудий ибрат тарзида кўради.

Беҳбудий зиёли сўзига кенг маъно беради. Фақат замонавий кийим кийиб, русча чалачулпа гапириб, ўз дини ва она тили, маданиятини билмайдиганлар сингари, диний таҳсил кўриб, замондан орқада қолган кишиларни ҳам Беҳбудий зиёли санамайди. У миллат ва шахс такомилини бевосита замонавий талаблар ва маънавий юксалишда кўради. У фақат диний мактабларни эмас, рус-тузем мактабларидаги аҳволни ҳам қаттиқ танқид қилади: «Русский-туземний мактабларда ўқиганлар зиёли тугул, ҳаёли ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чаласавод кишилардир. Зиёли қаторига кирмоқ учун бошқа олий ҳад (даража) таҳсил лозимдир... Вале маданиятни социализация илмидан... бошқасини билмайдургон... зиёлилардан бизга манфаат асло тегмайдур...».

Беҳбудий инсон маънавиятини қуруқ «ижтимоийлаш», ёки нуқул диний ақидалар билан белгиламай, аксинча, олий даражадаги таҳсил зарурлиги, русча билимлардан Ватан ва дин йўлида ҳам фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ана шундай зиёлилардан элга, миллатга, Ватанга манфаат тегади, деб ҳисоблайди. Беҳбудийнинг бундай мулоҳазалари унинг маърифатпарварлик, мактаб ва инсон тарбияси масалаларига қанчалик теран қараганидан далолат беради.

Солиҳ Қосимов «Беҳбудий ва жадидчилик» мақоласида Беҳбудийнинг нақадар билимдон, тадбиркор шахс бўлганига мисоллар келтиради. «Тақфир» можаросидан кейин, — деб ёзади Солиҳ Қосимов, — уламолар писмиқлик билан зимдан иш юритиб, қилдан қийиқ, тирноқ орасидан кир ахтариб, жадидларнинг қиёфаси, кийиниши, уй-анжомлари, шунингдек, яҳудий насоро ва занжий таомларини ейишини рўкач қилиб, уларни бадном этишга, улардан халқнинг ихлосини қайтаришга интила бошладилар». Ана шундай шароитда Беҳбудийдек билимдон ва дунё кўрган инсонлар янги мезонлар асосида жадидлар хулқ-атвори, юриш-туриши, кўринишни ҳақида тўғри гапни халққа етказиши мумкин эди.

Миллат ҳаёти ва онгида пайдо бўлаётган одат, расм-русумлар, маънавий янгиланиш масалаларига Беҳбудий тарихан ёндошади. У яхши ва ёмон урф-одатлар борлигини, яхшилари инсон ва миллат такомилига хизмат қилишини, ёмонлари эса орқага, жаҳолатга тортишини таъкидлайди. «Шундай расм ва одатлар ичида, — деб ёзади у, — фойдали ва яхшиси бўлганидек, ёмон ва зараркси ҳам мутлоқ бордур. Чунончи, бурунги замонда исрофли тўй ва аза ва базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турибмиз».

Беҳбудийнинг таъкидлашича, Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалар турли мамлакатларга борганларида шу жой туб аҳолисининг кийимини кийганлар. Масалан, румликлар вандасини, касрий тайласонлари кийимини кийганликлари таъкидланади. «Саҳиҳи Муслим»да кўрсатилишича эса, улар ҳиндларнинг икки қўлоқлик бош кийимини кийганлиги айтилади. Ниҳоят, муаллиф хулоса чиқаради: «...бул тўғрида (яъни кийиниш масаласида — С.Қ.) пайғамбарларимизга мутобаат этмак вожиб эди».

Беҳбудий инсон табиат ва муҳит маҳсули эканлигини ҳар бир шахс, миллат кўриниши маҳаллий анъаналар, шамойиллар билан баровар бошқа халқ ва қитъаларнинг тарихий тажрибаси ва расм-русумлари билан чатишиб, уйғунлашиб боришини назарда тутади. Миллат ва ўлка турмушидаги ранг-баранглик умумкоинот ва умуминсоният ҳаётидаги турланишнинг, умумбашарий қадриятлар сари интилишнинг рамзи эканлигини баён этади.

Инсоннинг муроди ҳосил бўлиши учун унинг орқасидан югурмоқ даркор. Беҳбудий идеал ва мақсадни миллий онг, урф-одат ва кўникмаларга алоқадор ҳолда олиб қарайди. Идеал ва мақсад тушунчаларини халқимизнинг тўй қилиш орзуси ва у билан боғлиқ янги шаклланган ва одамларни қарзга ботириб, аҳволини танг қилиб қўяётган одатлари устида тўхталади: «Энди омолимизга диққат қилмоқ керак. Аксар халқимизнинг омоли шуки, ишласа ва фойда қилса, шоядки, ўғул не қизини тўй қилса ва ҳам қандай? Ўз қаторидаги одамларнинг қилган тўйидан зиёдроқ. Бечора косибни омоли тўйдур. Ўзи роҳат иззи кўрмайдур. Кеча-кундузни, 18 йилки, 20 соатини меҳнатда ўтказатурган косибларимиз бордур. Ҳақинча емайдур, киймайдур, ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат етар ва худодан ўғил тилар — тўй қилмоқ учун, ана бечоранинг омоли». Уч кун тўй қилиб хотин олган, ўғил уйлантирган оилаларнинг хонавайрон бўлишини, қарзга ботиб умри бировнинг кўзига тик қаролмай, азобда ўтишини Беҳбудий қаттиқ ташқид қилади. Мақолада муаллиф катта ижтимоий-ахлоқий муаммони, халқ ҳаёти ва одати билан боғлиқ иллатни, тўй исрофгарчилиги ва сендан мен қоламанми қабилида иш кўришнинг хунук оқибатларини фош этади. Айни чоғда унинг камбағал ночор оилаларга нисбатан чуқур ачиниш туйғусида фикрлагани аён кўринади. («Омолимиз ёинки муродимиз», «Нафосат, 1993).

«Тўй ва маърака қилинсун, аммо ҳозиргидек исроф этмасдан қилинсун ва мумкин қадарича кичик қилинсин. Ва ортиқча пул ила болаларни мусулмоний ва русий ўқитилсун, тўй ва маъракага сарф қилинатурғон нон мадраса ва мозор ва масжид, мактабларнинг шикаст рехтларига сарф қилинсун. Тўй ва маърака ақчасинда болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу ақчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилфунун ва доруссаноларига юбориб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етиштирмоқга саъй қилинсун. Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўй ва маъракага сарф қилинатурғон нон мадраса ва мозор ва масжид, мактабларнинг шикаст рехтларига сарф қилинсун. Тўй ва маърака ақчасинда болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу ақчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилфунун ва доруссаноларига юбориб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етиштирмоқга саъй қилинсун. Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўй ва маъракага сарф қилишатурғон ақча ила Кавказ, Қрим, Оренбург ва Қозонга усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур».

Беҳбудийнинг инсон аъмоли (идеали) ва мақсади ҳақидаги қарашларида унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик принциплари ўз аксини топди, маърифатпарварлик ғоялари, миллий онг ва миллат ҳаётини янгилаш муаммолари ҳақидаги тушунчалари ифодаланди.

Миллат ва юртнинг келажаги, Беҳбудий назарида, биринчи навбатда, саводли ва билимдон ёшларни вояга етказиш билан боғлиқ эди.

**Гули МАҲМУДОВА.**

Sport maydonchasi

### ЮТУҚ 100000 АҚШ ДОЛЛАРИ

Бугун пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис мажмуида эркин кураш бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақаси бошланади. Унда АҚШ, Эрон,Россия, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистон сингари ўнлаб мамлакатларнинг номдор полвонлари иштирок этадилар. Умумий мукофот — 100000 (юз минг) АҚШ долларига тенг.

### ЖАҲОН КУБОГИ

Яқинда Теҳронда юнон-рум кураши бўйича жаҳон кубоги беллашувлари ўтказилди.

Унда ўрта вазндаги ҳамюртимиз Георгий Пуляев (Самарқанд) маҳорат кўрсатиб ғолиб чиқди. Дилшоджон Орипов билан Юрий Вит эса учинчи ўринни олди.

Мазкур мусобақада Эрон, Корея,Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам полвонлар қатнашди.

### ҚОТИЛЛИК

Қозоғистоннинг собиқ-пойтахти Алмати шаҳрида профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, қирғизистонлик Орзубек Назаровга қарши автоматдан ўт очиб, чемпионни оғир жароҳатлашди. Ҳозир Орзубек даволанмоқда. Ҳамроҳлари эса ҳалок бўлди.

### ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Панамалик профессионал боксчи Роберто Дюран ҳозир 46 ёшда. Боксни ташлаганига анча бўлган. Шунга қарамасдан у яна профрингга қайтишни режалаштирди. Яқинда жаҳон чемпионлиги учун яна рингга чиқади.

Маълумингизки, Дюран уч хил вазнда дунё чемпиони бўлган эди. Ёши ўтиб қолган бўлишига қарамасдан у яна тожни қайтариб олишга аҳд қилди.

### ЎТТИЗ БИР КОМАНДА АНИҚ!

Футбол бўйича келгуси йил Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган асосий саралаш мусобақалари тугади. Финалда майдонга тушадиган 31 терма команда аниқ бўлди. Яқинда бўладиган Эрон-Австралия учрашувидан сўнг 32-команда ҳам аниқланади. Ҳозирча Осиёдан 3 команда (Япония, Корея, Саудия Арабистони) қатнашиши аниқ. Эҳтимол Эрон ҳам уларнинг сафига қўшилар...

Xullas...

### УЧОВЛОНнинг ҚИЛМИШИ

Томас Миллер ва унинг икки оғайниси Флоридадаги чоғроққина ошхонада «қиттак-қиттак» қилиб чиқишгач, билиб-билмай йул белгиларига «ҳужум» уюштиришди. Улар серқатнов автотрасса буйлаб 20 нафар йул белгиларини ағдариб ташлашди ва... оқибатда бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум бўлишди. Чунки уларнинг «шухлик»лари натижасида серқатнов чорраҳалардан бири йул белгисиз қолиб, автоулов ҳалокати юз берган, натижада икки йуловчи ҳалок бўлган эди.

### ЎҒРИ ЧУВ ТУШДИ

Зуҳра деган сомсапаз қиз автобусдаги тиқилинч пайти чўнтагидаги пулини ўғирлатиб қўйди. Бахтли тасодифни қарангки, жабрдийда киссовурни пайқаб қолди. У билан юзма-юз юриб, пулини қайтиб беришни талаб қилаверди. Ўғри тонаверди. Улар жанжаллаша-жанжаллаша автобусдан тушиб қолишди. Шу пайтда улар турган жойга милиция машинаси яқинлаша бошлади. Зуҳра уларга шикоят учун чоғланди, бироқ ҳамон отдан ҳам, эгардан ҳам тушмай турган киссовур чўнтагидан бир сиқим пул чиқариб, қизнинг қўлига тутқазди-ю ура қочди. Табиийки, мушкули осон бўлган Зуҳра ҳам хотиржам қайтди. У йул-йулакай киссовур қўлига тутқазган пулни қайта-қайта санаб кўзларига ишонмади. Пул ўғирлатганидан ҳам икки ҳисса ортиқ эди. Ҳойнаҳой шошиб қолган киссовур ноиложликдан бошқаларникидан олганларини ҳам қиз қўлига тутқазган бўлса керак...

### ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ...

...дока рўмол қуриши деган нақл ростми? Жанжаллашиб қолган эр-хотин бир дока рўмол қурир-қуримас яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишадими?

Қоҳиранинг машҳур ресторанларидан бирида тўй авжи палласида эди. Ҳозиргина никоҳланган ёш келин-куёв тўрда ўтириб меҳмонларнинг табрикларини тавозе билан эшитиб туришарди. Бир пайт ёш куёв ғоят ҳаяжонланиб кетдими ё бошқа бир сабаб бўлдими, ишқилиб, қулупнай шарбатини тўкиб юборди ва ... келиннинг нақд уч минг доллар турадиган кўйлагини булғаб қўйди. Келиннинг фиғони фалакка чиқди, куёвни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан қарғади! Охири, куёв ҳам чидаб туролмай, «уч талоқ» айтди. Хуллас, уларнинг жанжали дока кўйлак қуримай туриб... аянчли якун топди. Бир соатча аввал уларнинг никоҳини қайд этган давлат хизматчиси, ажрим қоғозини расмийлаштиришга киришди.

ana shunaqa gaplar

«УМРОН» ДКК
чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади. Буюртма учун телефон: 191-61-31.

Ангрен шаҳридаги 12-ўрта мактаб томонидан Юн Валерия Глорчевна номига 1992 йилда берилган А 004270 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ko'ngil bitiklari

## СЕНГА ЖОНИМ ФИДО АЙЛАЙ

*Азиз Ватан васфингда мен қўшиқ айтиб наво айлай,*
*Куч-қувватим сенга бўлсин, хизматингни адо айлай.*

*Бутун оламни ўргандим, тополмадим сендек валек,*
*Ватан иқлим маконингда мудом меҳригиё айлай.*

*Олтин, пахта-бойликларинг туганмайди ишончим бор,*
*Сарф айлабон инсоф ила, халқ дардига даво айлай.*

*Ота-онам, аждодларим қоришганлар тупроғингда,*
*Ватан тупроқларинг ҳардам кўзимга тўтиё айлай.*

*Бору йўғим армуғондир, Юсуф сўзин қабул этгин,*
*Жаннатмакон Ўзбекистон сенга жоним фидо эйлай.*

## ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА

**(Ҳазиний ғазалига муҳаммас).**

*Сен билан бўлсам дебон ҳамхона тонг отгунча,*
*Талпиниб кутдим яна ҳайрона тонг отгунча,*
*Келмадинг кулбам мени вайрона тонг отгунча*
*«Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отгунча,*
*Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отгунча».*

*Мен Мажнуну Лайло-сан, саҳрога кетолмасдин.*
*Мен Тоҳиру Зуҳро-сан, шаҳрингга келолмасдин,*
*Мен Фарҳоду Ширин-сан, хизматинг қилолмасдин,*
*«Ман Вомиқу Узро-сан, васлингга ‘етолмасдин.*
*Ҳар кеча қароргоҳим, остона тонг отгунча»,*

*Парвариш қилай дебон ул қадди ниҳолимни*
*Бир умр сарф айладим васли учун молимни,*
*Лек жавобсиз қолдириб келгай ул саволимни,*
*«Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила ҳолимни,*
*Қонга жигарим тўлди, гирёна тонг отгунча».*

*Кулбама келсанг агар вақтики муқаррар қил,*
*Суҳбатингдан жонгинам бандани муяссар қил,*
*Раҳм айлабон жонима озгина музаввар қил,*
*«Ахшомда жамолингни шаъмини мунаввар қил,*
*Айтай сенга ҳолимни, парвона тонг отгунча».*

*Таолодин ҳар куни раҳму шафқат тиларман,*
*Ўртаниб, ҳар дам ёр куйини изларман.*
*Бор ўлди Дарбандийга, Дарбанд энди биларман,*
*«Найлайки, иложим йўқ ҳар кўчада йиғларман.*
*Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча».*

**Юсуф Вализода ДАРБАНДИЙ,**
**доцент.**

Tabiat va biz

## ХАЗОНЛАР — УМР ЗОМИНИ БЎЛМАСИН

**Қизалоқнинг дастаси**



Дам олиш кунларидан бирида фарзандларим билан уйимиз олдидаги хиёбонга сайр қилгани чиқдик. Кеч куз бўлса ҳам ҳаво очиқ, қуёш чарақлаб турарди. Оёқ тагида хазонбарглар, беихтиёр хаёлга чўмасан...

Ҳар йили кузда, хазонрез пайтида менга шундай туюлади. Шунинг учун ҳам сердарахт хиёбонларни узоқ-узоқ айлангим, хаёл сургим келади.

Бугун ҳам шундай бўлди. Хиёбонга киришим билан димоғимга ёқимли ўрмон иси урилди. Нафас олиб тўймайсиз. Оёғингиз остидаги сўлғин япроқлар ажиб бир манзара кашф этиб шитирлайди.

Бир оз айланиб, хиёбонни кесиб ўтган ариқча лабидаги скамейкага ўтириб атрофни томоша қила бошладим. Ўғилларим бир-бири билан қувлашиб ўйнашарди. Дам олиш куни бўлгани учунми, сайр қилувчилар кўп эди. Салгина нарида олти ёшлар атрофидаги қизалоқ ерга тушган япроқларни саралаб, улардан гулдаста ясаш билан овора эди. Ҳафсала билан гулдастани ясаб бўлиб, ўрнидан турди-да, қаршимдаги скамейкада дугонаси билан суҳбатлашиб ўтирган онаси томон югуриб кетди. Қизалоқнинг кўзида болаларгагина хос ажиб бир шодликни кўрдим. Қўлидаги япроқлар дастасини келтирди:

— Ойижон, қаранг, қандай ажойиб! Бу сизга...

Аёл бир суҳбатдошига, бир қизчанинг қўлидаги япроқларга қараб турди-да, уларни қўлига олиб улоқтириб ташлади. Қизалоқнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

— Нега ташлаб юбордингиз, ахир уни сиз учун ясаган эдимку, — дея йиғлаб юборди.

— Нозима қизим, эсингни едингми? Қара, шу япроқларни йиғаман деб қўлларинг ифлос бўлибди. Шу ҳидсиз, оёқ тагидаги япроқларга жонинг ачияптими? Ахир у жонсиз-ку!

— Мен уни сиз учун...

— Бўлди, бас қил, бор нарироқда ўйна.

Қизча ҳиқиллаганича онасидан узоқлашди. Энди унинг кўзларида ҳалиги шодликдан асар ҳам қолмаганди. У бошини эгиб йиғлар экан, жонсиз япроқларни бир-бир босиб нари кетди.

Шунда мен қаршимда ўтирган аёлдан: «Эҳ, синглим, нима қилиб қўйганингизни биласизми? Сиз фарзандингиз юрагида табиатга муҳаббат уйғотиш ўрнига, унинг мурғаккина қалбидан гўзалликка бўлган меҳрни юлиб ташладингиз?!» дея сўрагим келди.

Бирдан хиёбон қоронғилашди. Тепага қарадим. Кўк юзини парча-парча булутлар қоплаб олган эди. Кўп ўтмай ёмғир қуя бошлади. Ҳамма панага югурди. Назаримда ёғаётган ёмғир қизчага ҳамдардлик билдириб кўз ёши тўкаётгандек эди.

Бир зумда ер ёмғир сувларидан шалаббо бўлди. Хазонбарглар ерга чиппа ёпишди. Ёмғир зарбидан барглар дувдув тўкиларди.

Мен бу манзарадан кўз узолмай, ўғилларимни бағримга босиб туравердим. Атрофимиз бир пасда ҳалқоб-ҳалқоб сув бўлиб кетди. Ёмғир япроқларни худди варрак каби пириллатар, кейин эса бутун кучи билан ерга ёпиштириб, мутлақо қимир этмайдиган қилиб қўярди. Ўз новдаларидан узилиб ер билан тептекис бўлган бу япроқларни кўриб, дилим хиралашди. Ёмғир эса ҳамон эзилиб ёғарди.

...Биз табиат гўзалликларидан баҳра олишни, уни фарзандларимизга уқтиришни биламизми?!

### ЁНАЁТГАН ЯПРОҚЛАР

Кечки пайт ишдан қайтаётиб, хиёбон ёнида махсус кийим кийган фаррош аёлларнинг бир отахон билан баҳслашиб турганларининг устидан чиқиб қолдим. Хиёбон ичини аччиқ тутун, худди қуюқ тумандек қоплаган эди. Атрофга назар ташладим. Аёллар йўлкалардаги нам хазонларни супуриб, тўплаб ёқишарди. Ёнаётган хазонлардан катта гулхан ҳосил бўлиб, атрофга хазонбаргларнинг намиқкан иси тутун аралаш тараларди.

Бирдан аёллар чувиллашиб кетишди. Секин уларга яқинлашиб, отахондан:

— Ҳа, отахон, тинчликми? — деб сўрадим.

— Тинчлик, қизим, тинчлик. Кўрмайсанми, буларга гап уқтириб бўлмайди. Хазонларни ёқмасдан уларни бир жойга тўплаб, узоққа олиб боришнинг ҳожати йўқ, шу ернинг ўзида каттароқ бир ўра қазиб, кўмиб ташланса бўлмайдими десам, кўнишмаяпти.

«Агар шу хазонларга жонингиз ачиётган бўлса, уйингизга олиб кета қолинг. Бизнинг бундай майда ишларга вақтимиз йўқ. Биз фақат буйруқни бажаряпмиз» деб устимдан кулишяпти. Мен хазонларга табиатга, ўзимиз нафас олаётган ҳавомизнинг булғанаётганига ачинаман. Шуми табиатга кўрсатаётган ғамхўрлигимиз! Бир кун келиб ёнаётган хазонлар умримиз зомини бўлмасин.

Шундай дея отахон биздан узоқлашиб кетдилар...

Отахон менимча ҳақ эди. Ахир шифокорларнинг ёнаётган хазонлардан чиқаётган тутуннинг одам организмида давосиз дард — ракни пайдо қилиши ҳақидаги хулосаси неча йиллар давомида олиб борилган текширув-кузатувлар натижасику!

**Маъмура РЎЗИЕВА.**

## «КИТОБХЎР»

**ҲАЖВИЯ**

— Китоб ҳам қарирканми? — деди Ғулом муаллим елка қисиб, сўнг: — Қариркан-да! — деди ўзига-ўзи...

Бундан бир йилча олдин собиқ ҳамкасби Қодирбекнинг «фирма»си орқали китоби чиқса-да, ўз китобини на дўконлардан, на қўшклардан топа олган эди. Дўстларининг: «Китобинг чиқибди-ю, ҳалигача бирор жойда кўрмадик», дейишганида янада ажабланганди. «Наҳотки, мухлисларим шунчалар кўп бўлса?» деб ўйлаганди ўшанда. Кўп дўконлардан суриштирди: шунақа китоб сотувга чиқдими, деб. Бир куни катта бозорнинг ўртасидаги китоб дўконига кирганида сотувчи қиз саволга савол билан:

— Китобингиз қаримаганмиди? — деб сўради. Ғулом муаллим тарашадек қотиб қолди. Қиз эса қошларини чимириб: — Бизда туриб қолган китобларни шунақа деб аташади. Агар китобингиз қариган бўлса кўтарасига сотиб юборган бўлишимиз ҳам мумкин, — деди.

— Кимга? — деди Ғулом муаллим кўзлари чақчайиб.

— Кичик бизнес билан шуғулланувчиларга.

— Манзил-макони, исми-шарифи борми ўшаларни?

— Энди, бу тижорат сири, — деди қиз кафтдек ойначасига ўзини соларкан. — Мижознинг исми-шарифи, манзили бизда сир сақланади. Бозорларга қараб юринг, ажаб эмас кўзингиз тушса...

Бу қисқа мулоқот муаллимни ғанитиб қўйди.

Шундан кейин ҳам у китобини кўп суриштирди, тополмади...

— Ўғлим, — деди бир куни отаси унга носқовоғини силкитиб. — Носвойим тугабди. Қайтишингда бозорга тушиб, Бухорони хокак носидан олиб чиқсанг.

Ғулом муаллим «хўп» дегандек бош иғғаб қўйди.

Ишхонаси бозорга яқин эмасми, тушликдан фойдаланиб, нос харид қилгани бозорга тушди. Бозор дарвозасининг кираверишдаги қисмининг ўнг томонида, бошида эски духоба дўппи, кўндан сақланиш учун пешонасида қоғоз соябон, яккам-дуккам келган, ёши олтмиш-олтмиш бешлардаги чол шанғиллаганча молига харидор чорларди:

— Ана келинг, мана келинг! Бухорони хокак носи. Бир отими жонни роҳати! Нос эмас бу, шакалат! Тилингизни тагида чимолидай ғимирлайди. Ҳақиқий Шарқона лаззат!..

— Бир порсияси қанча бўни? — деди Ғулом муаллим чолга рўйбарў бўларкан.

Чол сарғайган, сийрак тишларини кўрсатиб, кулди.

— Бизда бу — деҳқончилик! Бир порси текин. Қани, мазасини кўринг!

— Мен чекмайман, отахон, — деди Ғулом муаллим. — Бобойга, буни додини бобой берадилар.

— Отани дуосини олай дебсизда, а? — деди чол ва икки оёғининг орасида турган халтадан чиқарган китобнинг ўртасида қолган охирги варағини юлиб оларкан, касбининг ҳадисини олган чапақай устадай қоғозни қадоқ қилиб ўради. Шунда муаллимнинг кўзи китоб муқовасидаги ёзувга тушиб қолди.

— Ке-кечирасиз, отахон, — деди ҳовлиқиб чол томон қўл чўзаркан. — Қўлингиздаги китобнинг муқовасига шундоқ қараб олсам бўладими?

— Бўлганда қандоқ! — деди чол ишини давом эттириб. — Олақол, ўзингга, ботинкангга патак қилиб оласан, қалингина, барибир ман ташлаб юборман, вараги тугади, муқовага нос ўраб бўлмайди-ку.

Бу гаплар унинг қулоғига кирди, ё кирмади. Ичак-чавоғи суғуриб олинган китоб муқовасига қарар экан, унинг ич-эти ачишиб кетди.

— Эс-сиз китоб, — деди у шалвираган муқовага қараб. — Бир одам ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечиб, кечалари ухламай шу жониворни ёзган, кейин бировлар меҳнат сарф қилиб китоб чиқарган... Сиз бўлсангиз нос ўраб...

— Нос деганини ўраб сотади-да, болам, — деди чол унинг киноясига парво қилмай. — Оппоқ қоғозга ўраб сотса, жалка, устига-устак қиммат. Китоб оқ қоғозга нисбатан арзонда...

— Унинг меҳнати-чи?

— Вой, ичи ачиган болам, а! Бизам меҳнатнинг қадрига етамиз, — деди чол ўралган носвойни узатиш-узатмаслигини билмай. — Сан, бу бобой шу китобни текинга олади деб ўйлаяпсан чоғи. Асло, асло. Пулга оламан. Олганда ҳам меҳнатини қадрлаб, пештахталарда сарғайиб ётганларини оламан. Яхши китобнинг қадрига ман ҳам етаман...

— Ўзингиз шу китобни биророр марта бўлса-да варақлаганмисиз? Айтинг қани, қаери сарғайган?

— Энди, бизга китоб варақлашга вақт қайда! Кўзимизни нури ҳам ҳаминқадар. Уннан сўғин китоб дўконда сарғайди нимаю, носдан сарғайди нима?

Ғулом муаллим афтода бир ҳолга тушди ва ғулдураганча:

— Невараларингиз шу китобни ўқийман деб сотиб олгану, сиз уларнинг кўзини шамғалат қилиб, а?..

— Қизиқ экансан, невараларим китоб ўқийман десаю, ман уларнинг қўлидаги китобни тортиб оламанми? Маърифатсизга чиқариб қўйдинг-ку мани. Ман бу китобларни исписалний дўкондан сотиб оламан деяпман-ку. Буларни бари хуштори йўқ китоблар.

Муаллимнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Барибир яхши эмас-да, отахон! Бунга озмунча меҳнат қилинмаган дейсизми?

Чолнинг ҳам чапанилиги тутиб кетди.

— Ҳа деб ерга ураверма бизани! Билсанг, биз ҳам китоб тарғиботи билан шуғулланамиз! Бошқалардан фарқимиз, китобни бутунича эмас, варақлаб тарқатамиз. Нос, энди шу тарғибот учун бир восита. Бундан уч йил олдин «Қиё-қиё» ашуласи урф бўлиб кетганди, хабаринг бор чиқар?

— У ашулани ким билмайди дейсиз? — деди у лабини чўчайтириб. — Машҳур шоир Фазли Қиёмнинг шеърида.

— Ана, ўлма! Ўша шеърни қўшиқ бўлиб кетишига ким сабабчи бўлган, хай?

— Ким?

— Ана шу рўпарангда ўтирган носвойчи Болта бобонг, айланай, — деди чол фахр билан қўлини кўксига қўяркан.

— Қанақасига? — деди Ғулом муаллим ҳайратдан кўз косалари кенгайиб.

— Шунақасига! — деди чол бошини ликиллатиб. — Фазли Қиёмнинг китоби чиққанида, бичими каттагина деб носвойчию пистачиларнинг орасида қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Ман ҳам шу китобнинг ўттиз-тачасини сотиб олганман... Нос ўрашгада... Китобнинг «Қиё-қиё» шеъри босилган варағига бир артист укамизга носвой ўраб берган эканман, ўша шеърни қўшиқ қилиб юборибди. Шу баҳонаи сабаб ўша артист бола тўйма-тўй бўлиб кетди. Шундан кейин Фазли Қиём Фазли Қиём бўлди-да, унгача...

Ғулом муаллим зўрма-зўраки илжайди.

— Бунақа воқеалар ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Бир бўлганда энди. Барибир китоб бу — маърифат. У нос ўраш учун эмас, ўқиш учун чиқарилади...

— Гапларингдан «китобхўр»га ўхшайсан, бирор мактабда дарс берасанми дейман-да, — деди чол халтасидан бир китоб чиқариб. — Яқинда қўлимизга келиб тушди. Бунақасини ҳеч қаердан тополмайсан. Бичими каттагина. Бир варағига бемалол беш қошиқ нос ўраса бўлади. Ҳозир ҳамма носвойчиларнинг қўлида шу китоб. Манам юзтачасини сотиб олганман. Ма, шуни биттасини сенга совға қиламан. Зора менга пастиянний килент бўлсанг...

Ғулом муаллим китобни қўлига олар экан, қалтираганча бир чолга, бир китобга қаради ва беихтиёр пичирлади:

— Мениям китобим қариб-ди-да...

**Илҳом ЗОЙИР.**

Diydor

## ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВ

Шундай дамлар бўладики, гоҳида ўқувчилик йилларимизни, қадрдон синфдошлару азиз ва ҳурматли устозларимизни кўргимиз, ширин суҳбат қургимиз келади. Кўчадами, автобусдами бехосдан уларни учратиб қолгудек бўлсак, ҳаяжон ва қувонч билан кўришамиз. Ўтган болалик йилларимизни соғинч билан эслаб, қўмсаймиз. Қани эди бир мактабга йиғилиб дийдорлашсак, дея орзу қиламиз.

Шундай ҳаяжонли, шодиёна учрашув яқинда Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли 106-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Бу ерда мактабнинг янги қурилиб, ташкил топганига 30 йил тўлгани муносабати билан юбилей кечаси ўтказилди. Мактабнинг кенг ва ёруғ залига меҳмонлар — кўп йиллар мактабда ишлаб, ҳозир қарилик ғаштини сураётган ва илгари ишлаб кетган ҳурматли устозлар ҳамда мактабнинг биринчи қалдирғочлари, биринчи битирувчи собиқ ўқувчилари тўпландилар. Тантанали кечани мактабнинг ташкил топганидан буён ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчи Убайдулла Абдуллаев олиб борди.

— 1966 йил шаҳримизда руй берган зилзиладан сўнг мактаб қурилиб, 1967 йилда фойдаланишга топширилди. Ўша йиллар аҳвол қийин эди, — деб эслайди Убайдулла ака, — ўқитувчилар етишмас, бошқа мактаблардан ўқитувчиларни ёрдамга чақирганмиз. Ўша йилларда мактабга директорлик қилган Қутбиддин Илесовни (охиратлари обод бўлсин) эсламасликнинг иложи йўқ. Мактабнинг тикланиб оёққа туришида у кишининг меҳнатлари кўп синтган. Ана шундай жонкуяр, заҳматкаш ўқитувчилардан Аъзамхон ака, Раҳима опа, Собир ака, Умри опа, Шарифа опа, Отаулла акаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Бугунги кечани ўтказишдан асосий мақсад — кўп йиллар шу даргоҳда қалб қурини, пешона терини тўккан азиз ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг бир-бирлари билан дийдорлашиб, дилдан суҳбат қуриш эди.

Кечада Аброр Ҳидоятов номли маҳалла оқсоқоли Марат Ғуломов сўзга чиқди. Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулла Икромов ҳам сўзга чиқиб, аввало шундай кечани уюштирган мактаб жамоасига миннатдорчилик билдирди ва мактаб ўқитувчиларидан Ш.Саидқосимова, С.Абдураҳмонов, Р.Ёрматова, М.Жамолова, Т.Исроиловаларга Тошкент шаҳар халқ таълими фидойиси кўкрак нишонини топширди. Яна кўпгина ўқитувчилар шаҳар ва туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Айниқса, мактабда 8 йил бир синфга раҳбарлик қилган Муяссар опа Жамолови уз ўқувчилари даврасида соғинч ва ҳаяжон билан устозларига айтган дил сўзлари, табриклари йиғилганларни тўлқинлантириб юборди. Таниқли хонанда Бахтиёр Тўлаганов бошлиқ санъаткорлар гуруҳи ўзларининг қўшиқлари билан кечага файз киритдилар.

**Дилором ИКРОМОВА.**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6